



Айтишларича, бир математик якин ўртоғи кўнгили кўйган қизига эга чиққан ва бундан аччиқланган Альфред "Менинг мукофотим математикларга берилмасин" дея васият қилган экан. Ҳақиқатан ҳам математика соҳасидаги ютуқлар учун, деган мукофот таъсис этилмаган.

"Менинг мукофотим математикларга берилмасин"
2-БЕТ

Биргина ўғрилиқни олайлик. Биз кўноиб дардлашган айни шу паллаларда қайсидир бола чўнтакка тушаётганлиги, кимнингдир машинасини олиб қочишга уринаётгани еки арзимас яна бир нарса деб ўз болалигини колонияда ўтказаётганлиги қанчалик дахшат.

"Сен учун ёниб"
3-БЕТ

Кўнглимда этик гами, Шунигина ўйлайман. Хар сўзга кўшиб уни Кувонч билан сўйлайман.

"Э т и к"
4-БЕТ.

ТОҶИ ҚОЛДУЗИ

№40

(6558)

23 ноябр, 1993 йил

СЕШАНБА

Сотувда эркин парҳа.

Ўзбекистон болалари ва ёшларининг газетаси

БОР-ЙЎҒИ 6 НАФАР...

13 йилдан буён мактабда ўқувчиларга она-тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб, 6-"В" синфига раҳбарлик қиламан. Маълумки, хар бир чорак якунида синфларда ота-оналар мажлислари ўтказилади. Кўп йиллик меҳнат тажрибамдан шунга яхши биламанки, бундай мажлислар аксарият ота-оналар учун ортикча ташвишдек туюлади. Кўпчилик ота-оналар гап тегмаслиги учунгина келишса, келганлари ҳам мажлисларнинг имкон қадар тезроқ тугашини хошлашади. Баъзилари эса умуман келишмайди. Тўғри, уларни ҳам тушуниш керак, давлат ишлари, уй-рўзгор юмушлари. Шундай бўлса ҳам бир йилнинг ҳисобига 2—3 марта мактабга келиб, фарзандлари таълим-тарбияси билан қизиқиш учун фурсат топишлари лозим, деб ўйлайман. Чунки фарзанд тарбияси хар қандай ташвишларданда устунроқ туради. Ўзим раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларидан айримларининг ота-оналарини умуман кўрмаганман, чақиртирсам ҳам келишмайди...

1 чорак якунланиши арафасида синф мажлиси ўтказишни режалаштирдим, ўқувчиларимга тайинлаб, ҳатто кундаликлари ҳам ездириб қўйдим. Хар бир ўқувчининг ота-онаси билан бафуржа гаплашиш, аълочи, жамоатчи ўқувчиларининг ота-оналарига ташаккурнома билдириб, шўҳроқ ўқувчиларининг уйдагиларини сергакликка чақиртириш ниятида эдим. Лекин, режаларим режалигича қолиб кетди. Мажлисга 33 нафар ўқувчининг бор-йўғи 6 нафар ота-онаси келишибди...

Саломат ЙЎЛДОШЕВА,
Фаргона вилояти, Яйпан шаҳри.



Қодирийни ёд этиб

Абдулла Қодирий асарларини мактаб ўқувчилари жуда севиб ўқишади. "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" китоблари хусусида қизиқ-қизиқ баҳс ва мунозаралар ўтказилади, кечалар уюштирилади. Болаларнинг бу ёзувчи ҳаётига бўлган қизиқишларини ҳисобга олиб, Саройимизда шу мавзуда кеча уюштиришга қарор қилдик.

Адибнинг 100 йиллик таваллудига бағишлаб ташкил этилган ушбу кечани болалар "Қодирий қадрини сўрар авлодлар" деб номлашди. Республика ўқувчилар Саройининг ёш адабиётчилари ёзувчининг ўғли Мақсуд Қодирий, ёзувчи Тоҳир Малик ва Ҳамза театрининг актёри Гавҳар Зокирова билан учрашдилар. Мақсуд ака болаларга отасининг ҳаётидан, асарларининг ёзилиш тарихи ҳақидаги хотиралардан сўзлаб берди. Тоҳир Малик ҳам адибнинг ҳаёт ва ижоди ҳақида қизиқарли ҳикоя қилди. Ўқув дастуридан ташқари келтириб ўтилган бу хотираларни болалар жуда қизиқиш билан тингладилар ва ўзларини қизиқтирган саволларни бердилар.

Кечага Гавҳар Зокирова томонидан ижро этилган Кумушбиби монолоғи ва Маданият олийгоҳи талабаларининг Қодирий асарларидан тайёрлаган кичик сахналари ўзгача файз киритди.

Б. ТУЯКОВА,
Республика ўқувчилар Саройи методисти.



Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик театри актёрлари ўқувчиларга қузғи таътил кунларида ажойиб совға тайёрлашди. Шаҳримиздаги мактаб ўқувчилари театр жамоаси сахналаштирган "Шум бола" спектаклини мириқиб томоша қилишди. Ўтмиш билан ҳозирги замон қоришиқ бўлган, қулгили сахналар акс этган қувноқ "қуй" ва қўшиқларни жажжи томошабинлар мароқ билан тинглашди.

МАДИНАХОН «ШУМ БОЛА»

...Оҳ, палов, жон палов,
Жон сенга қурбон палов...

дея қўшиқ қуйлаб, Шум бола образини маромига етказиб ижро этган театрнинг иқтидорли актёрларидан бири Мадинахон Мухторованинг қучоғи гулдастага тўлиб кетди.

— Болалар энг самимий мухлислардир, — дейди тўлқинланиб Мадина опа, — улар маълум маънода одил ҳакам ҳамдирлар. Улар юзхотирликни билишмайди: маъқул бўлса олқишлашади, бўлмаса йўқ! Спектаклда яратган Шум бола образим жажжи томошабинларимга ёқиб-дими, демак меҳнатларим зое кетмабди.

Дурдона МИРСОАТОВА,
Тошкент шаҳридаги
143-мактабнинг 11-"А" синф
ўқувчиси.



маданияти, урф-одатлари, аънаналари, турмуш тарзини ўргата боришдан иборат. Тўғарагимиз аъзолари ўқиётган мактаблари, ўзлари яшаб турган маҳалла, туман ҳамда шаҳарлари тарихини ўрганишади. Олмазор, Тахтапуй, Себзор, Ҳадра сингари қадимий атамаларнинг мазмуни билан қизиқишади. Масалан, бизнинг мактабимиз жойлашган жойда қадимдан Қошиқчилар маҳалласи бўлган экан. Бундай номланишига сабаб, бу маҳаллада яшайдиган аҳоли қошиқлар ясаб, тирикчилик ўтказишган экан. Қидирувлар натижасида бу ердан жуда кўплаб хар хил ҳажмдаги ёғоч қошиқлар топилди ва улар музейимиздан муносиб жой олишди. Мактабимизда тарих дарслари ана шу музей хоналарида ўқитилади. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиб, ўқувчиларга ўлкамиз тарихини ўргатиб борамиз...

ЎТМИШДАН ЭСДАЛИКЛАР


Альфия опа Себзор кўчаси орқали ўзи ишлайдиган 65-мактабга қатнайди. Бир кунги эрта тонгда мактабга ошиқаётган опа қурилишлар бораётган жойдан бир ажойиб буюм — XVII асрга мансуб бўлган самовар топиб олиб, уни мактабга олиб келди. Бу топилмани нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчилар ҳам зўр қизиқиш билан томоша қилишадиганини кўрган Альфия опанинг хаёлидан бир фикр ўтди: "Ахир мактабимиз атрофидаги эски маҳаллалар, уйлар бузилаяпти, демак бундай буюмларни жуда

кўплаб топса бўлади. Бу ишга болаларни ҳам жалб қилсам-чи"

... Бу воқеага ҳам, мана, 20 йилдан ошибди. Кейинчалик устозларининг қизиқарли ҳикоялари таъсириданми, ўқувчилар ҳам қадимий буюмлар қидириб топш ишига иштиёқманд бўлиб кетишди. Қадимда ота-боболари ишлатиб келишган, ҳозирда эса кераксиз бўлиб қолган уй-рўзгор буюмларини олиб келишар, бундай нодир буюмлар сони эса ортадан-ортаверарди. Альфия опанинг ташаббуси

билан мактабда "Улуғбек" номидаги ўлкашунослик тўғарағи ҳамда "Ўтмишдан садо" деб номланган музей хонаси ташкил этилди.

— Тўғаракни ташкил қилишдан кўзлаган асосий мақсадимиз, — дейди Альфия опа, — ўқувчиларимизга ёшлиқдан ўлкамиз тарихи, халқимизнинг



2-бетга қайтинг



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ҳа, дарҳақиқат, мактаб музейига киргудек бўлсангиз, Альфия опанинг ҳақлигига ўзингиз гувоҳ бўласиз. XVI-XVII асрга мансуб бўлган пиликчирок, шарманка, дазмол, ойболталар, қизил, сарик мисдан ясалган турли уй-рўзгор буюмлари... Эҳ-ҳе, санайверсанг адоги бўлмайди. XVIII асрда ясалган сопол буюмлар, ўғир, хумлардан тортиб, Қўқон араванинг гумчагигача топилади. Буларнинг барини кўздан кечирган одам, гўё узок ўтмишга саёҳат қилгандек, авлод-аждоғларимиз



Ўтмиш эсдаликлари

билан "тиллашгандек" хис қилади ўзини. Музейнинг ҳар бир экспонати бизга ўтмишдан садо бераётгандек...

Мактабда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган ўлкашунослик тўрагаги археология, этнография, топонимика ҳамда экология бўлимларига бўлинади.

Унинг аъзолари жуда кўп жойларда Москва, Санкт-Петербург, Минск, Киев, Одесса каби шаҳарларга саёҳат қилишиб, Хива, Урганч, Бухоро каби кўҳна ва навқирон шаҳарларни зиёрат қилишган.

Ўтмиши бор халқнинг келажаги бўлади, дейдилар. Халқимизнинг эса жуда бой тарихи ҳамда порлоқ

эртанги кунни, келажаги борлигига шак-шубҳа йўқ. Келажагимизнинг янада порлоқ бўлиши учун бор куч-гайратини аямаётган Альфия опа сингари камтарин инсонлар бор бўлсин!

Суратда: Тошкентдаги 65-мактабда 35 йилдан бери жўғрофия фанидан сабоқ бериб келаётган фидокор инсон Альфия опа Фатхуллина шогирдлари даврасида.

Нобеллар авлодининг сулолабоши Эммануэл Нобель 1901 йили Швецияда дунёга келади. У жуда кўп ўқиб, ўрганган. Ўша замоннинг етук ва билимдон физиги бўлиши билан бирга санъатчи ва тадбиркор ихтирочи муҳандис ҳам эди. Бу вақтда (XX асрнинг ўрталари) эски феодал ишлаб чиқариш замини емирилиб, содда қурилмали мануфактуралар ўрнини капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг деб-қасди бўлмиш санъат эгаллаш бошлади. Бу эса санъатта ихтирочиларнинг заруратини

яқин ўртоғи кўнгул кўйган қизига эга чиққан ва бундан аччиқланган Альфред "Менинг мукофотим математикларга берилмасин" дея васият қилган экан. Ҳақиқатан ҳам математика соҳасидаги ютуқлар учун, деган мукофот таъсис этилмаган.

У-да ишбилармонлар сингари бир жойда муқим турулмасди, "Мен қаерда бўлсам, ўша ер менинг ватанимдир" деб ҳисобларди. Альфред 1896 йилнинг 12 декабрида Италиянинг Сан-Ремо деган шаҳрида оламдан ўтади. Дафн маросими

С. Горбачёв ҳам ушбу мукофот эгалари бўлишган. Ўзгачилардан эса Иво Андрич, Э. Хемингуэй, Р. Акутагава, Кобо Абэ, шўро сўз санъаткорларидан Иван Бунин, Борис Пастернак, Иосиф Бродский, Александр Солженицин, Михаил Шолохов кабилардир.

Ушбу мукофот 90 йил давомида 600 га яқин иқтидорли кишиларга берилган, ажабмаски, яқин йиллар оша ўзбек миллати вакиллари ҳам насиб этиб қолса!

"Менинг мукофотим математикларга берилмасин!"

туғдирди. 1842 йили Эммануэл Нобель Санкт-Петербургда келади, шу ерда 1859 йилгача қолиб, фан соҳасида тинимсиз изланишлар олиб боради. Бу пайтда Россия Туркия билан Қрим ярим ороли учун беаёв жанг олиб борарди. Ҳаракатларнинг асосий қисми денгизда кечарди. Эммануэл ўрис флотига денгиз жанги учун қўл келадиган сувости машиналарини яратди. Бу эса ўз навбатида урушда бурилиш ясади. Ихтиро учун йирик сармояли мукофот ҳам олди ва ватанига қайтди. 1872 йили вафот этди.

Нобеллар авлодининг иккинчи вакили Эммануэлнинг тўнғич фарзанди Альфред Бернхард Нобель 1833 йили Швеция жанубидаги Нёбелев кўрғончасида дунёга келади. (Аслида, Нобель номи киндик қони тўкилган жойга қиёс қилиб қўйилган). Шажараси устида гап кетадиган бўлса, шведларнинг Рюдбек отлиг уругига бориб такалади. Альфред ҳам 1842 йили отаси билан Россияга кўчиб келган. У отаси каби физикага эмас, балки кимё фанига ихлос қўяди ва бир неча ихтиролар қилади. Турли хил сунъий материаллар, динамит ишлаб чиқарадиган завод куради. Бўлар ортидан миллионларга эга бўлади. Жаҳоннинг 20 мамлакатига унинг 94 йирик ширкатлари ва корхоналари ишлаб турарди. Ҳаёт мазмунини изланишу ихтиролардан иборат деб ҳисоблаган Альфред Бернхард Нобель ток ўтди. Айтишларича, бир математик

тугагач, унинг жами сармояси 33 миллион швед крони ёки 9,2 миллион АҚШ доллари билан баҳоланади. Альфред васиятига биноан сармоянинг айланишидан тушган йиллик даромад беш қисмга бўлиниб, унинг бир қисмидан физика, кимё, тиббиёт эки физиология, адабиёт ҳамда халқлар дўстлиги, тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлар учун 1901 йили Халқаро Нобель мукофоти таъсис этилди.

Швеция Фанлар академияси физика, кимё ва адабиёт соҳасидаги етук асарларга, Стокгольмдаги Қиролик тиббий-жаррохлик олийгоҳи эса тиббиёт эки физиологиядаги улкан ютуқлар учун, Ослода Норвегия парламентининг Нобель мукофоти кўмитаси тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ташаббускорларига Альфред Бернхард Нобелнинг сурати туширилган олтин тамага ва унвон шаҳодатномасини ҳар йили Альфред вафот этган 10 декабр кунни тантанали равишда топширади.

Физиклардан биринчи бўлиб В. К. Рентген (1901 йил), Г. А. Лоренто (1902 йил), эр-хотин П. М. Кюрилар (1903 йил) ва 1921 йили А. Эйнштейн бу мукофотга сазовор бўлган бўлса, ўрис олимларидан биринчи бўлиб М. П. Павлов тақдирланган. Давлат раҳбарларидан эса АҚШ президенти Т. Рузвельт, Англия Бош вазири У. Черчелл, генерал Ж. Маршалл ва М.



ЧЕТ ЭЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИНИГ ХАЁТИДАН


Маълум бўлишича, бу мамлакат ҳар бир туманда болалар билан иш олиб борувчи ўз социал хизматига эга экан. Катта шаҳарларда ҳам, ишчи туманлари, камбағал кварталларда ҳам "Сетлимент" ("Маданий қишлоқ") клуб тузumi мавжуд экан. У ерда болалар учун бепул тўғарақлар, спорт заллари, дам олиш хоналари бор. Лондон шаҳарларидан бирида эса "Сетлимент" клуби болалар ўйин майдончасининг ўртасида турган ҳақиқий кемада жойлашган.

Албатта, бадавлатроқ оилаларнинг фарзандлари пулли ҳамда шахсий клубларга қатнаш имконига эгалар. Тарбияси оғир болалар эса ёпиқ коллежларда тарбияланадилар. Улар бу ерда деярли кун давомида бўлишади.

Агар бахтсизлик рўй бериб, болалар касалхонага тушиб қолишса, уларнинг ота-оналари фақат кўриш учун келмай фарзандлари билан бирга касалхонада яшаш имкониятига ҳам эгадирлар. Улар учун махсус хоналар ажратилади.

У ерда болалар уйлари ҳам ўзгача. 80 болага мўлжалланган болалар уйларида доимо 10-15 бола тарбияланади. Қолганлари эса етим болаларни тарбиясига олиш истагини билдирган оилаларга тақсимланади. Оилада ёки болалар уйларида яшашни етим болаларнинг ўзлари ҳал қилишади. Айримлари бир ҳафталаб ҳам болалар уйига қайтишмас экан.

Қамоқхоналарда ўсмирларни алоҳида зоналарда ушлашади. 1-2 кишига мўлжалланган камералар тоза, озода, саранжом-саришта бўлиб, тартиб ҳам унчалик қатъий эмас. Ҳар бир болани ўз туманидаги социал ходим назорат қилиб боради. Агар муддатнинг биринчи ярмида ўсмир ўзини яхши тутса, социал ходимнинг кафилиги остида муддатидан илгари қамоқдан озод қилинади. Озодликка чиққач ҳам унинг назоратида бўлади. Бироқ, ўсмирларнинг қамоққа тушиб қолиши — жуда кам учрайдиган ҳолдир. Албатта, ешлар орасида жиноятчилик мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Бу асосан, нашавандлик ва автомобилларни олиб қочишдир.



ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Яқинда пойтахтдаги карсоқовлар Маданият саройида ёш техникларнинг билим ва маҳоратларини синаш учун республика кўрик-мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақа дастурига кўра, беллашув тўрт босқичдан иборат бўлиб, аввалбошда шаҳар ва туман, вилоят ва қўшни вилоят ёш техниклари учрашдилар. Сўнгра ғолиб деб топилган Андижон, Самарқанд ва қорақалпоғистонлик ёш

техниклар финалга йўлланма олдилар.

Бу уч республика аъзолари финалда ўз маҳоратларини намойиш этишиб, яқка ғолиблик учун курашдилар. Ниҳоят, самарқандлик ёш техниклар биринчи ўринни, Андижон ва қорақалпоғистонликлар эса иккинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақа якунида команда аъзоларидан Алишер Салоҳидиновга (Самарқанд) Республика Болалар жамғарма фондидан стипендия ажратилди, Денис Раҳимовга Улугбек фондидан мукофот пули, Темур Ғуломовга эса "Қоинот" республика конкурси ғолиби деган ёрлик ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Ушбу мусобақани ўтказишдан асосий мақсад мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларда техник ижодкорлик ишларини фаоллаштириш, ўқувчиларни амалий илмий-техник фаолиятга жалб қилиш, уларни ижодий жамоалар иш услублари, нормаларига ўргатиш, шу билан бир қаторда етакчи мутахассислар, муҳандислар, ихтирочилар билан янада яқинроқ таништиришдан иборатдир.

Суратларда: ёш техниклар мусобақасидан лавҳалар.

Р. Альбеков суратга туширган.

Ёш дўстим. Ўйлай-ўйлай фақат сенгагина дардларимни айтишим мумкинлигини ҳис қилмоқдаман. Чунки сен куёш зарраларидек соф, тозасан. Дунёга ҳам шу шаффоф кўзлар билан боқасан. Олдинда эса ҳали сен кўрмаган, ҳатто тушларингга ҳам кирмаган галати дунё турибди. Унинг бегуборлиги билан бирга кирликлари ҳам бор, ҳақпарастликларига ёнма-ён алдовлари яшаб келади. Бир куни сен уларга барибир рўпара келасан. Ало-говурлари аро яшайсан. "Уч оғайни ботирлар" эртагидагидек, қайсидир йўлни танлашингга тўғри келади. Шубҳасиз, бунда дунёнинг ўша мезонлари юрагинг тарозисига тортилади. Мен сени Кенжа ботирга мингазгайман. Борса қайтмас йўл бўлса-да ҳалоллик.

ишонтиролмадим. Кейин яна ўз томонимга бурилиб, ўйингоҳнинг қоқ бурчагига етганча кетавердим. Қайрилганда, ўйингоҳга ўнгилаиб, беихтиёр дарахтга осилган ранго-ранг костюмнинг гойиб бўлганлигини кўрдим. Бола эса аллақачон ўша томондаги дарахтзор орасига кириб кетган, кучугини шитоб билан тортиб кетаётгани шарпа янглик кўзга ташланарди...

Озод Ҳиндистоннинг биринчи президенти Жаҳоҳарлал Неру "Ҳиндистоннинг кашф этилиши" китобида ёзади: "9-10 ёшлардаги бола эдим. Отамнинг чўнтагидан қанчадир арзimas руپий пул олиб, ётоғимга яшириб қўйдим. Пулнинг йўқолганлиги бутун хонадонга маълум бўлса-да, мен миқ этмадим. Улар уйнинг ҳамма жойини ағдар-тўнтар қилиб, алал

юришади. Бу ҳаммамизнинг кўз олдимизда юз беради. Сен томошабин, мен — томошабин, у-томошабин. Ҳолбуки, мену сенга ўхшаганлар сал журъатлироқ, салгина довурақроқ бўлсак, ўша муттаҳамни тартибга чақириб қўйиш қийин эмас.

Ўзим гувоҳ бўлган яна бир воқеани сенга айтиб бераман.

Ўшанда толиб эдим. Ижара хонамиз эски шаҳардан туманларга чиқиб кетадиган автобуслар йўли устида жойлашганди. Биз гоҳи уларга илашиб ҳам кетаверардик. Шундайлардан бирида навбатдаги бекатга келганимизда йккита пўрим кийинган бола чиқди-да, бири жойига, иккин-

ДИЛДАН СУҲБАТ

ўғлонлардан лозим-да.

Мана дўстим, энди биз мустақилмиз, озодмиз. Аввалгидек, тилламиз, пилламиз, пахтамизу қора кўл теримизни Масков талолмайди. Талон-тарожлик авж олганлигини бир тарафини ўша зўравон салтанат иш юритишига бойлаш мумкин бўлсада, бу нуқсондан қутилиш йўлларини ўз халқимиздан, юрагимиз ва кўнглимиздан излашимиз керак. Чунки ўзимизнинг барча маънавий ва моддий бойликларимизнинг эгаси энди ўзимиз. У кимки ҳалол ва мардона меҳнат қилса, ўшанга муяссар бўлиши лозим. Бу юртда ҳеч ким ўз оғайниси, биродари ҳисобига,



Куръони карим, моида сураси, 38,-39-оятлар.

Минг йилдан ортиқ давр мобайнида бу ҳукм бизнинг юртда ҳам устивор кучга эга бўлган. Бунга амал қилмаслик Аллоҳ кўрсатмаларига амал қилмаслик ҳисобланган. Ҳар қандай қози калон ҳам бу қонунни ижро этмай, гуноҳга ботишдан қўрққан. Иккинчи томондан, бу ўғрилиқ йўлига киргани ҳам бир умр жазолаб (кесилган қўлга кўзи тушган ҳар бир одам унинг ўғри эканлигини билиб, муносабатни ҳам шунга яраша қилган) бошқаларни ҳам бу жазодан огоҳлантириб, ярамас хатти-ҳаракатлардан қайтариб турган.

... Буларнинг бари — бир мулоҳаза, бир ўспиринга ниманидир аниқламоқ учун бўлган юракнинг уринишлари. Чунки мен ҳаммадан кўра сенга ўхшаш гуриллаб, чақнаб келаётган ўспиринларга кўпроқ

СЕН УЧУН ЁНИБ...



мардик, эзгулик йўлидан кетгин, дейман. Албатта, бу йўл хатарли ва залворли кечади. Бироқ, сен шу йўлни танлайсан. Юрагинг ниқдорларига қулоқ солиб, дунёни қусурлардан тозалашда ўз ҳиссангни қўшишингга ишонаман.

Бу қусурлар, инсон учун ҳақоратли нуқсонлар тевақаратрофингда оз дейсанми? Афсуски, билиб-билмай бу гуноҳларга тенгдошларинг ҳам ботяпти-ку! Нега? Нима учун? Жавоб бериш оғир. Лекин жавоб бериш керак.

Биргина ЎҒРИЛИКни олайлик. Биз куюниб дардлашаётган аини шу паллаларда қайсидир бола чўнтакка тушаётганлиги, кимнингдир машинасини олиб қочишга уринаётгани ёки арзимас яна бир нарса деб болалигини колонияда ўтказётганлиги қанчалик даҳшат.

Келгин, ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани сенга айтиб берайин.

Баҳор кунларидан бири эди. Ҳар кунги одатидек барвақт уйғондим-да, яшаш жойимизга яқин ўйингоҳга йўналдим. Бадан тарбия баҳонасида баҳор тонгининг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш, кимсасиз майдоннинг гўзал манзараси, қушлар нағмасидан яйраб рухланиш — кўнглимга тугилганди. Айлана сўқмоқдан секин-секин одимларқанман, менга қарши тарафдан 25-30 ёшлар чамасидаги тўладан келган бир йигит чиқиб келди.

Йўл-йўлакай чиқиндиларни бўшатган чоғи қўлида челақ, устида "адиас" спорт костюм-шалвари бор эди. У ҳавонинг нақадар танга ёқарлигини ҳис қилди чоғи ўйингоҳнинг бир четидаги дарахтга костюминини илиб, остига челагини қўйди-да, югуришга тушиб кетди. Бироқ негадир айлана сўқмоқ бўйлаб югурмай, ўйингоҳни кесиб ўтди-да, унга пана катта йўл еқалаб чопди.

У кўринмай кетганига кўп бўлмай, ўйингоҳга яқин кўпқаватли бинолар томонидан 12-14 ёшлар чамасидаги бир сариқ бола ит етақлаб чиқди. Рўпара келганимизда мен унга парво қилмадим. Ва орамиз узоқлашиб борди. Мен ўйингоҳнинг кун-чиқар томонига, у эса кун ботар томонига бораверди. Нима хаёл биландир ортимга боқсам, бола ҳалиги йигит осиб кетган кийим атрофида ҳаловатсизроқ уймалашарди. "Наҳотки, олмоқчимиз?" деган фикрлар хаёлимдан ўтди-ю, лекин бунга ўзимни

оқибат, ўша пулни яширган жойимдан топиб олишди. Мендан бунга кутмаган отам шунчалик жажл отига миндики, у мени аёвсиз калтаклади. Калтак зарбидан ҳамма жойим моматалог бўлиб кетиб, 2-3 ҳафта ўзимга келолмай ётдим. Ўшанда отамдан хафа бўлганим чин. Бироқ бу хизмати учун ундан бир умрга миннатдорман. Ахир у мени шармандали бир нуқсондан шу газоби билан асраб қолди-да".

Боласининг елғонига ишониб, балки ўғриланини кўнгли сезиб ҳам бунга эътиборсиз томошабин бўлганлар ўтмишдаги бир воқеадай у дунёи бу дунё юзи қаро бўлиб, жазога юзма-юз бўлади.

Ривоят қилишларича, бечораҳол бир оиланинг боласи кунлардан бир куни очликка чидолмасдан қўшнисининг товўқхонасига кирибди-да, биттагина тухум ўғирлаб чиқибди ва онасининг олдига югурибди. Ёйишга ҳеч нарсалари йўқ она боласи тухумни қаердан олиб келганлигини билсада, уни оқлабди. Елкасига қоқиб қўйибди. Бундан рухланган бола улгайган сари бу "хунари"нинг ҳадисини олиб, йўлтўсару томтешар катта ўғри бўлиб кетибди. У ҳеч кимга ҳеч нарсадан ҳазар қилмасдан ўмариб келаверар, бу ёқда онаси дуои жонини қилиб, ҳузур-ҳаловатда яшар экан. Охири минг чаптастлиги ҳам иш бермай, қўлга тушибди. Қози ўғрининг нақадар даҳшатли ишларга кириб кетганлигини ипидан игнаситгача ўрганиб, унинг бу қилмишларининг бош айбори биргина ўзи бўлмасдан онаси ҳам тенг айбдор деган тўхтамага келибди. Алқисса ўғри эл, халқ олдида онаси билан бирга қатл этилган экан.

Ҳозир ҳам ўша кампирга ўхшаш ота-оналар йўқ, деб бўладими ёки болаларнинг олдида ҳар хил қинғир-қийшиқ йўллар билан текин даромад қилаётган, заррагина тер тўқмай олиб-сотарлик, порахўрлик, ўғирлик орқасидан бойлик орттираётган, худди шу ҳаром йўл билан топилган нарсаларига болаларини ҳам шерик қилиб, ўшалар ҳисобига едириб-кийдираётганлар қанчадан-қанча...

Кўпинча биз ўғриларга, ҳар турли ўғирликларга жуда бепарқмиз. "Меникини олмаса бўлди-да" қабилида иш юритамиз. Ҳаммага аён бир манзара бор: қайдаки тикилишч автобуслар бўлса, ўғрилар, ўғригина болалар чўнтак кесиб, пул ўмариб

чиси олдинги бекатдан чиққан бир йигитдан ўтиб тўхтади. Бир бекат юрмаёқ улардан бири ўртада қолган йигитнинг чўнтагига тушган экан, билиб қолган ва қизиққон йигит пастга тушар-тушмас "нега чўнтагимга тушдинг" дея ўғрини тушириб қолди. Шунда ҳеч қутилмаганда орқасига зарбли мушт тушди. Бунга ўғрининг шериги урган эди. Кўп ўтмай олдинги эшиқдан ховлиқиб тушган яна бир барзанги ўғриларга ёрдамга

унга зулм қилиб кун кўрмаслиги керак.

Ўтмишда ҳам ўғрилар бўлмагани? Бўлган. "Ўтган кунлар"да Қодирий домла ёзадилар: "Халқимиз таъбирича, бу замонлар мусулмонобод бўлса-да, бироқ бу тантаналик таъбирни бузиб қўятурган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шариятча эди. Ўғрилиқ қилган

ОБУНА БАҲОСИ: олти ойга - 1.524 сум, бир йилга - 3.048 сум

Ф. СП-1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

№ **ТОҒ ҚОҒАМ** № **64563**
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна соми											
1994 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манвил)

Кимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

рўзномани ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64563	
п.в.	жойи
(нашр кўрсаткичи)	

№ **ТОҒ ҚОҒАМ** № **64563**
(нашр номи)

обуна	баҳоси	сум	обуна соми
янги ман-вилга юбориш	баҳоси	сум	

1994 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манвил)

Кимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

чопди. Анови йигит учовининг орасида "эзилиб" борарди. Автобус тўхтади ва воқеани билган бир гуруҳ одамлар ҳам пастга отилишди ва йигитни қўллаб, ўғриларга аёвсиз ташлашди. Шундан кейингина анави муттаҳамларга "сичқоннинг ини минг танга" бўлиб қолди...

Кўрдингми, бирлашилса, жамиятдаги ҳар қандай иллатнинг илдизини қуритса бўлади. Лекин журъату довурақлик мард

учун қўл кесилади ва у дорга осилади". Қодирийнинг фикрини динимизнинг энг улуг муборак каломи тасдиқлайди:

"Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Аллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглари... Аммо ким бундай жабру зулмдан кейин тавба қилиб, ўзини тузатса, албатта Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилар".

ишонаман. Кўпроқ умидланаман!.. Негаки, сизлар ҳаммадан кўра соф, тозасиз. Ва дунёга шу бегуборлик кўзи билан боқасизлар. Бу нигоҳ, алдовлардан тозаланган, юрти хур, динию иймони ўзига қайтган наслини нигоҳи ўзинию ўзгаларни қусурлардан огоҳ этувчи, гуноҳлардан қутқарувчи бўлажак.

Вафо ФАЙЗУЛЛО.

Ҳар бир давр адабиётининг болалар шоир, ёзувчилари бўладики, уларнинг фидойиликлари билан фарзандлар турли қўшиқ, шеър, дoston ва эртакларга ошно бўладилар. Жумладан, Элбек — Машиқ Юнусов 20-30-йиллар адабиётда болалар шеърини бешигини тебратган атоқли ўзбек шоирдир. У болалар учун "Қайси бири бўри?", "Кампирнинг товуклари", "Сапоғ ўйин", "Ўтмишим" каби ўнлаб ажойиб масал ва қўшиқлар, дoston ва эртаклар ёзиб қолдирган. Қуйида шоирнинг "Этик" номли дostonи билан танишасиз. Уни сиз учун ўзбек тилига лотин тилидан филология фаилари номзоди Ҳайдарали УЗОҚОВ таржима қилган.

Хали ҳам эсимда бор,
Мен уйда эдим дастёр,
Отам сўзлайди менга:
"Этик оберай сенга.

Уғлим, эрталаб тургил,
Мен билан бозор юргил".
Бозорни кўрмаб эдим,
Жоним билан "хўб" дедим.

Эрта азонда турдим,
Севиниб чопиб юрдим.
Бир эшакка дон ортдим,
Йўлнинг танобин тортдим.

Узоқда эди бозор,
Кўнглим қанотлар ёзар,
Узундан-узоқ йўлни
Босиб ўтдим беозор.

Кўнглимда этик гами,
Шунингина ўйлайман.
Ҳар сўзга қўшиб учи
Қувонч билан сўйлайман.

Чангли йўлда келаркан,
Оёғимга қарайман.
Мен югурдак дастёрман,
Ҳар бир ишга тайёрман.

Шовқин-сурон, тўпалон,
Гўёки, ҳамма бирдан
Бозорга ҳужум этиб
Килар эдилар талон.

Мен бунга ҳайрон қолдим,
Ҳар ёққа назар солдим.
Юрар йўлимни билмай
Узимни четга олдим.

Отамнинг орқасидан
Туртиниб юриб кетдим.
Тўрт томонга аланглаб
Ғалла бозорга етдим.

Бугдойни ерга қўйдик,

Харидор кутиб турдик.
Қий-чув, шовқинлар ичра
Жуда ҳам жондан тўйдик.

Ғаллани олувчи йўк,
Кўзларимиз бўлди лўк.
Энг сўнг бирови келиб
Шовқин солиб қилди дўк.

"Тек жойи хақини бер,



ДОСТОН

Қишлоғинг эмас бу ер!"
Беш ҳовуч бугдой олди,
Уни қопига солди.

Бунга бизлар куйиндик,
Иложсиз рози бўлдик,
Ҳатто шу билан энди
Тинчидик, деб суюндик.

Орадан андек замон
Ўтмаб эдики ҳамон,
Яна бирови келди,
"Тек жойи ҳақ бергил!" деди.

"Олиб кетди-ку!" — дедик,
Ғазабдан титрар эдик.
Сўзга қулоқ солмади,
Айтганидан қолмади.

Ахири рози бўлдик,

Қайгу, аламга тўлдик.
Сўраганини бердик,
Нима ҳам қилар эдик!

Яна кутдик биз шунда,
Олувчи унда-бунда
Келиб бугдой кўрарди,
Баҳосини сўрарди.

Биз баҳосин айтардик,
У ерга урар эди.
Ёнимиздан кетмасдан
Айланиб юрар эди.

Бироздан кейин келиб,
Отамнинг қўлини силкиб:
"Бера қол, деҳқон ака,
Барака, де, барака!"

Деб тихирлик қиларди,
Жуда арзон тиларди.
Бунга рози бўлмасдик,

Элбек

Олиб кетган эканлар.

Бизлар парво қилмабмиз,
Буни сира билмабмиз.
Анча ғалла йўқотдик,
Ҳасрат сувига ботдик.

Бозор қайтиш чоғ етди,
Кўплар жўнашиб кетди.
Шу вақт бир ханнот келиб,
Бизларга таклиф этди:

"Бугдойингни менга сот,
Қани нархини айт, бот!"
— Нархи беш сўм биродар!
— Уч сўмга берсанг агар.

Олар эдим, бўлмаса
Кимга сотсанг майлига.
Хов, деди отам унга,
Рози бўлдик биз шунга.

Уйга керакли нарса
Олмоқчи бўлар эдик.
Лекин бу пулга нима
Битказадирмиз, дедик.

Бозорни ораладик
Майда-чўйдапар олдик.
Барини қопга солдик,
Уйимизга жўнадик.

Этик орзу қилардим,
Мен оёқ яланг қолардим.
Бунчалик иш бўлишин
Қаердан ҳам билардим.

Йўлда жим кетар эдим,
Отамга аста дедим:
"Этик қанча туради?"
Отам бир сўз демади.

Бошини куйи солди,
Оғир бир нафас олди.
Мен ҳам индамай қолдим,
Кўзига назар солдим.

У маънос, ғамгинлик-ла,
Мен сари боқар эди,
Унинг бу қарашлари
Дилимни ёқар эди.

Менда қолмади тоқат,
Зўрға чидадим фақат
Бозорни кўриб қолдим.
Аччиқ тажриба олдим.

IV

Бизнинг бозор еримиз
"Искандар" аталарди.

Бунда бизнинг теримиз
Шилиниб олинарди.

Гўл, камбағал деҳқонлар,
Бу ерга келардилар,
Молин сув-текин сотиб
Кундуз таланардилар.

Улар бундан анчайин
Моллар олар эдилар,
Савдогарлар кўлида
Хўб алданар эдилар.

Хулоса, ёшлиқдоғи
Менга таниш бу бозор
Эсимга тушганида
Кўнглимга етар озор.

Бу кун ўшал бозорда
На савдогар, на бошқа
Қолмагон, бари битган,
Турмуш ўз ҳужмин этган.

Унда янги биналар.
Кўпиративлар очилган.
Кўринмайди у ерда
Кўздан ёши сочилган.

Улар ўрнида қувноқ
Турмуш қайнаб турмоқда
Туя юрган йўлларда
Поезд гудоқ урмоқда.

Чирчиқ қурилишининг
Бош тўғони шу ерда.
Ҳар бир ударник ботир
Ўз ишини ишлайётир.

Чангли, бузиқ йўлларга
Тошлар терилган бутун.
Энди кўкка чўзилмас
Тутун каби чанг-тутун.

У ер ўтмиш замонда
Тузуқ кийинолмаган,
Амир ҳамда бойларнинг
Қўлларида таланган.

Меҳнаткаш деҳқонларнинг
Ватани бўлган бу кун
Қурилиш ичра булар
Ишлар кўрсатмоқдалар.

У бозор эмас, мозор
Холин олган Искандар,
Йўқсулларнинг қўлида
Бўлмиш ажойиб гулзор.

1935 йил 17 июл.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатсиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазилади.

Қадри синфдошларимиз ГУЛНОРАХОН, МУҲАББАТХОН, ЁРҚИНОЙ!

Сизларни таваллуд топган кунингиз билан самимий қутлаймиз. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ўқиш ва ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз, деб синфдошларингиз ва устозингиз.

Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, 11-мактабнинг 7-«В» синф ўқувчилари.


МУҲАРРИРИЯТДАН:
Эслатиб ўтамиз, газета орқали сурати билан табрик эълон қилдириш баҳоси 300 сўм.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ!

Газетамизнинг 37-сонида эълон қилинган "Жойлаштирингчи!" бошқотирмасининг жавоби.



Газетамизнинг 38-сонида эълон қилинган "Ҳар икки тарафдан" бошқотирмасининг жавоби.

1. Попон. 2. Тивит. 3. Кудук. 4. Катак. 5. Қизик. 6. Қовоқ. 7. Кийик. 8. Ротор. 9. Кашак.

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
С. БАҲОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА,
Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис ёзувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «Леяни учқун»
номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ-32 УЙ
Напр кўрсаткичи: 64563

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-647. 29314 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6